

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
ахборотлаштириш объектларида ошкор қилиб  
бўлмайдиган (конфиденциал) маълумотларни ўз  
ичига олувчи ахборотлар рўйхати ва хажмини  
белгилаш бўйича Комиссия йиғилишининг 1-сон

Баёнига  
ИЛОВА

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ахборотлаштириш  
объектларида ошкор қилиб бўлмайдиган (конфиденциал)  
маълумотларни ўз ичига олувчи ахборотлар**

**РЎЙХАТИ**

1. Вазирлик тизими ходимлари (вазирлик, тасарруфдаги ташкилот ва идоралар, олий таълим муассасаларининг ходимлари), олий таълим муассасалари талабаларининг шахсий маълумотлари тўғрисидаги ахборотлар.
2. Вазирлик тизими ходимлари (вазирлик, тасарруфдаги ташкилот ва идоралар, олий таълим муассасаларининг ходимлари), олий таълим муассасалари талабаларининг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ахборотлар, худди шунингдек унинг шахсий ҳаёти сирини очувчи ахборотлар.
3. Ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот олиш чекланган телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган почта, телеграф хабарлари ва бошқа хабарлар сирини тўғрисидаги ахборотлар.
4. Ихтиролар, фойдали модель ёки саноат намунасининг моҳияти тўғрисидаги маълумотлар, улар ҳақидаги маълумотлар расмий тарзда эълон қилингунга қадар.
5. Вазирлик тизимидаги ташкилот ва олий таълим муассасаларига ишонч асосида берилган хамкор ташкилотларнинг тижорат сирлари тўғрисидаги ахборотлар.
6. Товарлар ва хизматларни олди-сотди амалиётлари ва қийматларини ўз ичига олган ахборотлар.
7. Муассасани (бино ёки махсус объектларни) қўриқлаш, ҳимоялаш, сигнализация тизими ва бинога кириш учун руҳсат бериш тизимининг шифрлари, яширин калитлари ҳолати тўғрисидаги ахборотлар.
8. Вазирлик ва муассасаларнинг ахборот тизимлари ва уларни ҳимоялашда қўлланиладиган усуллар тўғрисидаги ахборотлар.

9. Вазирлик ва муассасаларнинг локал (корпоратив) ҳисоблаш тармоқлари структураси, тармоқ қурилмаларинини физик ва мантиқий адреслари тўғрисидаги ахборотлар.
10. Ахборот манбаи ёки таҳаллус билан имзо чеккан муаллиф тўғрисидаги ахборотлар, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
11. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот олиш чекланган тергов ва суд юритуви сири ҳисобланган маълумотлар.
12. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот эгаси ахборот олишни чеклаган хизматга доир маълумотлар.
13. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот олиш чекланган тижорат сири ҳисобланган маълумотлар.
14. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот олиш чекланган банк сири, шахсни суғурталаш ва васият сири.
15. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот олиш чекланган (врачлик сири, нотариал ҳаракатлар, адвокатлик сири ва бошқалар) касб фаолияти билан боғлиқ маълумотлар.